



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Фарзандлар
кўз ўнгида
ота-онанинг
газета, китоб
ўқиши
тарбиянинг энг
самарали
усулидир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 8-oktyabr, payshanba, 113 (23.393)-son

Қолоқ ҳудудларда аҳвол қай тариқа яхшиланади?

Юртимизда 1 майдан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилиб, биринчи марта иқтисодий кўрсаткичлар, бизнесни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ҳамда туман ва шаҳарлардаги ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди.

Таҳлил натижаларига кўра, ҳудудлар «яхши», «ўртача» ва «қониқарсиз» тоифаларга ажратилиб, 48 ҳудудда аҳвол «яхши», 119 та ҳудуд «ўртача» ҳамда 33 шаҳар ва туман «қониқарсиз» деб топилган. Вилоятимизда Пахтачи, Пайариқ ва Қўшрабат туманлари ушбу рўйхатда қайд этилди.

6 сентябрь куни ҳар учала туманда халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Халқ ноиблари органининг мазкур йиғинларида ҳудудларнинг тўрт сектори – ҳоким, прокурор, ИИБ ва ДСИ бошқалари юзага келган ҳолат учун халқдан узор сўраб, вазиятни тўғрилаш учун белгиланган чора-тадбирлар ва ишлаб чиқилган йўл хариталари тақдирини ўтказди.

ҲОКИМ ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШГА ВАЪДА БЕРДИ

Халқ депутатлари Пахтачи тумани Кенгашининг сессиясида қайд этилишича, 2019 йил якунлари бўйича туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлаш даражаси умумий 13,27 балга баҳоланган. Бу кўрсаткич билан туман ҳудудлар рейтинг тизимида вилоятдаги энг охириги ўринни эгаллаган.

Хусусан, ҳудудда виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган тақриорий мурожаатлар кўпайиб, бу борада вилоятда энг салбий «натижа» қайд этилган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга сувни тежовчи технологиялар билан таъминлаш бўйича туманда умуман ишлар амалга оширилмаган. Бундан ташқари, 2019 йилда туманда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 148,3 миллиард сўмни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1 миллион 23 минг сўмни ташкил этган. Мазкур йўналишда туман кўрсаткичи вилоятда 15-ўринда белгиланган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 8,2 миллиард сўмни, умумий инвестициядаги улуши 3,1 фоизни ташкил этган ҳамда вилоятдаги энг қониқарсиз учта тумандан

бири бўлган.

Сессияда туман ҳокими М.Ҳамдамов мазкур йўналишларда мавжуд аҳволни ўнглаш, ҳудудни «қизил» тоифадан, «сарик»қа ўтказиш бўйича амалга оширилиши лозим ишлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланишича, туманда 2020-2021 йилларда инвестиция дастури асосида 664 миллиард сўмлик 98 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 1569 та янги иш ўрни яратилади.

Юқорида айтилган вазифаларни бажаришга ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ваъда бераман, - деди М.Ҳамдамов. - Агар тез орада вазиятни ўзгартирмасак, туман раҳбарлари бир ёқадан бош чиқариб халқимизнинг розилигига эришмасак, бу жой бизга кафолатланган эмас».

ҚўШРАБОТЛИК ДЕПУТАТЛАР СЕКТОР РАҲБАРЛАРИНИ ШОШИРИБ ҚЎЙДИ

Қайд этиш лозимки, аслида рейтинг тизимида «қониқарсиз» ҳудудлар қаторида қайд этилган туманлар секторлари раҳбарлари депутатлар тимсолида бутун аҳолидан узор сўради. Ўз навбатида ижобий натижаларга эришиш борасидаги аниқ режаларини халқ ноиблари олдида ҳимоя қилди.

Қўшрабат туманида мазкур вазиятчин маънода кескин тус олди. Вакиллик органи аъзолари тўрт сектор раҳбарининг ҳам шунчаки ҳисобот билан «кутулиб» кетишига қўйиб беришмади.

Қайд этилишича, 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ, умумий қиймати 367,2 миллиард сўмлик 115 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 947 та иш ўринлари яратилади.

Ҳудудда вазият бундай тус олишига мавжуд имконият ва ресурслардан тўлақонли фойдаланилмагани сабаб бўлди, - деди туман ҳокими Ҳ.Оқбўтаев. - Шу сабаб келгусида қишлоқ хў-

жалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бунда кооперация тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу орқали биринчидан аҳоли бандлигини таъминлашда ижобий кўрсаткичларга эришамиз. Ўз навбатида саноатни ривожлантириш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Бундан ташқари, ҳудудда ер ости бойликларида унумли фойдаланиш чораларини ҳам белгилаб олдик. Бу борада бугунги кунгача ташкил этилган 10 га яқин корхона учун логистика ва инфратузилмани яратиб берсак, олдимизда турган мақсадларга эришамиз.

Сессияда ишлаб чиқилган дастурлар ва йўл хариталари ижросини қатъий депутатлик назорати олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ, УНДАН ФОЙДАЛАНА БИЛИШ КЕРАК

Халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгашида ҳисобот берган туман ҳокими Д.Мусинов шундай фикр билдирди. - Туманимиз нима учун республикадаги иқтисодий кўрсаткичлари паст 33 туман қаторига тушди? Бунга биз, тўрт сектор раҳбари сабабчимиз, - деди Д.Мусинов. - Энди бу рўйхатдан чиқиш учун ҳам биргаликда ишлашимиз, дастурлар ижросига жиддий эътибор қаратишимиз керак.

Қайд этилишича, туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Кооперация тизими асосида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда лалми ҳудудларда йўлга қўйилган ва келгусида ҳам давом эттириладиган лойиҳалар ҳудудда ишсизликни камайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни мазкур масала давлатимиз раҳбари томонидан ҳам эътироф этилганди.

Сессияда берилган маълумотга кўра, туманда саноатни ривожлантириш, туризм ва хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш бўйича ҳам йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Таъкидланганидек, режалаштирилган ишларнинг амалга ошириш ҳудуднинг рейтинг кўрсаткичлари яхшиланишида муҳим омил бўлади. **Ё.ҒАДОЕВ.**

Ўтган йили Самарқанд давлат

тиббиёт институти қошидаги ва иккинчи клиникалар ҳамда Жанубий Кореянинг Кенбук миллий университети Чилькок шифохонаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди.



Кореядан тиббий Ҳимоя воситалари келди

Яқинда Кореянинг ушбу шифохонаси раҳбариятидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари номига мактуб келди. Мактубда «Биз меморандум доирасида соғлиқни сақлаш тизими бўйича икки томонлама ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз. Аввало, Самарқанд тиббиёт маркази ҳамда Кенбук миллий

университети Чилькок шифохонаси ўртасида тажриба алмашув ва ҳамкорлик маркази ташкил этиш тақдирини илгари сурамиз. Ушбу марказ халқаро ҳамкорлик, соҳадаги тадқиқотларда, тиббий таълим ҳамда Самарқанд аҳлига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни ўзида ифода қилади. Марказ Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги

клиника биносига жойлашиб, ушбу муассаса вилоятдаги тиббий фаолият ҳамда Самарқанд аҳлининг саломатлиги учун муҳим ўрин тутади, деб ўйлаймиз».

Мактуб билан бирга Кореядан Самарқандлик тиббиёт ходимлари учун Ҳимоя кийимлари ва анжонлар, кислород мосламалари келтирилди. **Гулруҳ КОМИЛОВА.**

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ХАБАР БЕРИШИЧА

► Булунгур тумани Авлиё Парпи маҳалласидаги Хотам қишлоғида 157 миллион сўм маблағ эвазига янги сув иншооти бунёд этилиб, ишга туширилди.

► Каттақўрғон туманида «темир дафтар» рўйхатида олинган камбағал оилалардан II тасига узоқ муддатли имтиёзли банк кредити асосида юк ташушига мўлжалланган аравачали мотоцикллар берилди.

► Иштихон тумани Чақар маҳалласида тадбиркор Хусниддин Мавлонов ташаббуси билан давлат хусусий шериклик асосида 100 ўринга мўлжалланган «Сеҳрли шаҳарча» номли мактабгача таълим ташкилоти болажонлар ихтиёрига топширилди.

ҚўШРАБОТ. ҚИЙҚИМ. 462-КОНТУР

ер кимники, нега унда боғча қуриб бўлмади?

Қўшрабат туманидаги Қийқим қишлоғида яшовчи Ҳамроқул Ҳотамов мана бир неча ойдири турли идораларга шикоят хатлари ёзмақда. У қишлоқ ўртасидаги 462-контурнинг бўш турган ва давлат захирасидаги ерда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти қуриш учун туман мутасаддилари қаршилик қилаётганини айтди.

Олдиндан айтиш мумкинки, ўрганиш давомида масъуллар мурожаатни «ёпиш»-нигина исташаётгани, гарчи мурожаатчининг талаблари нотўғри бўлса-да мавжуд муаммоларга кўз юмиб келаётганига гувоҳ бўлдик. Ердан фойдаланиш, 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълимга қамрови ачинарли аҳволда бўлишига қарамай, масъулларнинг бу муаммоларни четдан кимдир келиб ҳал қилиб бериши керакдек ҳаракат қилаётгани ажабланарли...

БОҒЧА ҲАМ ЙЎҚ, АНИҚ РЕЖА ҲАМ

Қийқим маҳалласи оқсоқоллари берган маълумотга кўра, ҳудудда 8 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. 250 нафари боғча ёшидаги болалар.

Хўш, уларнинг қанчаси мактабгача таълимга қамраб олинган?

- 190 нафари боғчага боради, - дейишди маҳалла фаоллари.

Туман мактабгача таълим бўлими мутасаддилари маҳалладаги 100 нафар бола мактабгача таълим ташкилотига қамраб олинганини маълум қилди. Улар бу фикрни ҳудуддаги 50 ўринли давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти борлигига таяниб айтишди.

Қишлоқ четидаги катта йўлнинг қарама-қарши томонида жойлашган муассасада бўлганимизда эса мудира 50 нафар болажонлар таълим-тарбия олаётганини билдирди.

- Мактаб ёшидаги болалар бепул жалб этилгани ва гуруҳлар сони кўпайтирилгани ҳисобига тарбияланувчилар 100 нафарга етади, - дейди туман МТМ бўлими юристи Алишер Қаршиев. - 2022 йилда ҳудудда давлат дастури асосида 100 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриш бўйича тақлиф берганмиз.

2022 йилда? Хўп, шу кунларга етказса кўрармиз, аммо бу ёқда ҳали у тақлиф ўтадимми, деган масала ҳам бор. Бироқ одамни бир ўй қийнайди: мабодо шу тақлиф амалга ошган тақдирда ҳам ҳудуддаги болалар тўлиқ қамраб олинмайдику. Яъни, бу билан мактабгача таълимга бўлган бугунги эҳтиёжни ҳам қондиришнинг иложи йўқ-ку. 2022 йилда ҳудуддаги болажонлар сафига укалари ҳам қўшилиб, улар ҳам акалари сингари мактабгача таълимдан бебаҳо қолаверадими?

Афсуски, бу саволимакка ҳам мутасаддилардан тайинли жавоб ололмадик. Аниқроғи, улар сукут сақлаб вақтни ўлдиришни лозим топиди.

2-саҳифа >>>

Вилоятда 19 мингдан ортиқ ишсиз ёшлар бор

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан «Вилоятда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг устувор вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Зот дастури орқали онлайн ўтказилган тадбирда агентлик вилоят бошқармаси, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан учинчи чорак давомида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисида батафсил сўз юритилди.

- Аввало, агентлик вилоят бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлимларига билимли, шижоатли ёш ходимлар суҳбат асосида ишга қабул қилиниб, меҳнат шароитлари яратилди, - дейди бошқарма бошлиғи Ҳусан Тўхтаев. - Улар билан бирга олдимизга қўйилган мақсад сари одимлай бошладик. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти

юзасидан тарғибот ишлари олиб борилди. Олий ўқув юртрага кириш имтиҳонлари жараёни ташкил этилишига бевосита қўмак берилди. Аҳамиятлиси, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш ва бу дафтарга киритилган ҳар бир ёшнинг тақдирига

Вилоятда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар 910 минг 165 нафарни ташкил этади.

Улар орасидан ишсизларини «Ёшлар дафтари»га киритиш мақсадида 19 минг 29 нафар меҳнатга лаёқатли, банд бўлмаган ёшлар аниқланди ва уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

(Мавзуга оид таҳлилий мақола билан 2-саҳифада танишинг).

Ўз мухбиримиз.

бефарқ бўлмасликка ҳаракат қилаямиз.

Йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда ёшлар томонидан 510 та, воёга етмаганлар томонидан 27 та турли жинойтлар содир этилган. 15 сентябрдан 15 октябрга-ча ўтказилаётган «Ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданият ва одоб-ахлоқ ойлми» доирасида бу каби ҳолатлар таҳлил қилинмоқда.

Газетамиз саҳифаларида, юртимиз ва халқаро майдондаги янгилик ҳамда ўзгаришлар ҳақида сиёсий шарҳлар, олимлар, зиёлиларнинг мақолалари кенг ўрин берилди.

«Zarafshon» – барчамизнинг севимли газетамиз!

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

КУН МАВЗУСИ

ТОЙЛОҚДА ИШ КЎП, ИШСИС ЭШЛАР ҲАМ

Тойлоқ туманида давлат ва жамоат ишларида меҳнат қилаётган билимли, тадбиркор ва ҳунарманд ёшлар кўп. Шу билан бирга ишсиз йигит-қизлар ҳам талайгина. Аҳамиятлиси, меҳнат қиламан деган кишига туманда иш топилар экан.

ТОЙЛОҚ ЭШЛАРИНИНГ ҚАНЧАСИ ХОРИЖДА?

Тойлоқ туманида 200 минг 537 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 117 минг 60 нафари ёшлардан иборат. Жорий йил бошида 922 нафар ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, шундан 244 нафари умумий ўрта таълим мактабларини, 602 нафари ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлаган, 39 нафари эса олий маълумотли йигит-қизлар. Шунингдек, 6 нафар ишнинг имконияти чекланган, 31 нафари жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлар.

Туманининг ёшларидан 347 нафари хорижда таълим олмақда, - дейди туман ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Ҳақбердиев. - 4215 нафар ёш эса турли сабабларга кўра чет мамлакатларга ишлаш учун кетган. Уларнинг 318 нафари пандемия сабаб ўз уйларига қайтиб келди. Шунинг учун ҳам ишсиз ёшлар сони бироз ортди. Шу йилнинг ўтган даврида ишсизлар рўйхатида турган ва хориждан қайтган ёшлардан 1272 нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 171 нафар ёш жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда 17 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринларига жойлаштирилди.

ЎГИЛОЙ АЯ ФИДОКОР ЭШЛАРДАН МИННАТДОР

Уйимиз тойдан чакка ўтарди, - дейди Эски Жума маҳалласида яшовчи Ўғилой ая Фаттоева. - Турмуш ўртоғим ва ўғлим оламдан ўтган. Бу уйда ёлғиз қизим билан қолганман. Яна бир қиз шу аҳволда яшасак, бизни том босиб қолишидан кўрқардим. Карантин бошланган пайтда саховат ёрдами сифатида озиқ-овқат маҳсулотларини кўтариб келган ёшлар уйимнинг нураётган жойларини фото ва видеотасвирга тушириб кетди. Кўп ўтмай туман ҳокимлиги вакиллари, ҳомий тадбиркорлар, ёш уста йигитлар ёрдамга келди ва ҳовлимизда ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари бошланди кетди. Мана ҳозир уйимиз томи тунука билан қопланди. Ошхона ва ҳаммом қуриб беришяпти. Ёшлардан миннатдорман.

Тойлоқ фидокор ёшлар отряди республикамизда биринчилардан бўлиб ташкил этилди. Вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишлари жалб қилинган ёшлар орасидан 36 нафари шу отрядда меҳнат қилмоқда. Улар уч гуруҳга бўлиниб, тумандаги ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, ҳовлиларини тартибга келтириш, томорқаларида экин экиш каби вазифаларни бажармоқда.

- Шу пайтга қадар ишсиз эдим, - дейди Юқори Тойлоқ қишлоғида яшовчи Қаҳра-

мон Эргашев. - Яқинда ташкил этилган "Фидокор ёшлар отряди"га қабул қилиндим. 700 минг сўмдан зиёдроқ маош оламиз. Тўрт мучам соғ. Пешона тери билан топан пул баракали бўлади. Тўғри, ойлик миқдори кўп эмас, аммо савоб ишга ҳисса кўшаётганимдан хурсандман.

ЁШ ТАДБИРКОР ТЕНГДОШЛАРИДАН 6 НАФАРИНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Туманининг Тепа қишлоғида яшовчи ёш тадбиркор Тўлқин Тожиев "Yoshlar kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб "Муҳаммадjon Шохрўзбек Файз" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Корхонага Хитойдан 50 минг АҚШ доллари миқдоридида маблағ эвазига ускуналар келтирилиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аҳамиятлиси, 6 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

- Бу ерда тайёрланаётган 8 турдаги маҳсулот республикамизнинг барча вилоятларига, Қорақалпоғистон Республикасига ҳам сотилмоқда, - дейди корхона иш юритувчиси Элёр Тожиев. - Бир кунда 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Мижозларимиздан талаб катта. Цехимиз туман марказидан анча чекка ҳудудда жойлашгани маҳсулотларимизнинг сотилишига халал бермаяпти. Аммо фаолиятимизни кенгайтиришда бироз муаммоларга дуч келямиз. Биринчидан, корхона икки навбатда ишлаши учун бизга яна 6 нафар ишчи керак. Узоқдан қатнаб ишлайдиган йигитлар бўлса уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан ҳам таъминлаймиз. Маоши 850 минг сўмдан 2 миллион сўмгача. Иккинчидан, фаолиятимизда тўхтаб қолган ёшлар бўлмаслиги учун корхонамизга яна бир электр энергияси тармоғи тортилиши керак. Шамол ва ёғингарчилик сабаб бу масалада муаммо бўлмас эди. Агар табиий газ тармоғи тортилса, Хитойдан газ билан ишлайдиган ускуналар келтирардик. Натижада ишлаб чиқариш самардорлиги ошиб, яна 10 дан зиёд ёшларни иш билан таъминлаш имконига эга бўлардик.

ТУМАНДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ 24 НАФАРИ 0,25 ИШ ЎРНИДА НЕГА?

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларда минг нафардан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритиб келаётган бўлса, 30 нафари 1,25 ва 1,5, 224 нафари 1,0, 351 нафари 0,75, 376 нафари 0,5, 24 нафари 0,25 иш ўрнида меҳнат

қилмоқда. Ҳамшираларнинг 233 нафарини ёшлар ташкил қилади.

- Жорий йил бошида 0,25 иш ўрнида фаолият юритаётган ўрта тиббиёт ходимлари 120 дан зиёд эди, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи Фазлиддин Пардаев. - Шулардан бугунги кунда 24 нафари ўз ўрнида қолган. Нафақага чиқаётган ёки ишдан бўшаётган ҳамшираларнинг ўрни ҳисобига 6 нафар ходимнинг иш ўрнини ошириш чоралари кўрилмоқда. Қолган 18 нафари эса ўқувчилар сони 200 нафардан кам бўлган мактабларда ишлашга юборилган. Маълумки, мактабларда ҳамшира учун иш ўрни ўқувчилар сонига қараб ажратилади. Шунингдек, бугунги кунда 13 нафар коллеж битирувчилари тиббиёт муассасаларига ишга кириш учун навбатда турибди.

25 МУРОЖААТЧИДАН 3 НАФАРИНИНГ МУАММОСИ ИШСИСЛИК

Ҳар сешанба куни туман аҳолиси учун секторлар раҳбарларининг сайёр қабуллари ўтказилар экан. Маданият маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси муdiri Қ.Исмоилов, туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Н.Асадов, туман ИИБ бошлиғи Ш.Тоғаевлар томонидан ўтказилган сайёр қабулда 25 нафар мурожаатчидан уч нафари тиббиёт коллежларини битирган қизлар бўлди. Уларнинг муаммоси ишсизлик.

- Болалиқдан шифокор бўлишни орзу қилардим, - дейди Жалолобод маҳалласида яшовчи Инобат Эшонқулова. - Аммо бу орзулигимча қолмоқда. 2012 йилда Тойлоқ иқтисодиёт коллежини тамомладим. Олий ўқув юртига кириб, бир неча йил бекор юрдим. Кейин эса ҳеч бўлмаса ҳамшира бўлиш истагидан Урганг тиббиёт коллежиди ўқидим. Бу таълим муассасасини қизил диплом билан битирдим. Маҳалламиздаги шифохонада ишлаш ниятида эдим, унинг ҳам фаолияти тўхтаб қолди. Бир ярим йилдан бери иш қидираман. Сайёр қабулда шу масала бўйича мурожаат қилдим. Натижа бўлмади. Тиббиёт муассасаларидан бирига навбат билан ишга олишлари мумкинлигини айтиб, рўйхатга киритишди. Завод ва фабрикаларда иш бор экан, аммо мен тиббиёт ходими бўлишни истайман.

ТОЙЛОҚДА ИШСИС ЭШНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ (МИ?)

Туман ёшлари орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартнома-

си, доимий иш ҳақиға эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий ишлар билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шугулланиб, даромад топадиганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

- Аслида туманимизда ишсиз ёшнинг ўзи йўқ, десак хато бўлмайди, - дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими раҳбари Алишер Суёнбоев. - Томорқачилик ёки мавсумий ишлар билан шугулланадиган, норасмий банд бўлган йигит-қизларимиз бор. Шунинг учун ўзини-ўзи банд қилиш тизими бўйича уларни расмий рўйхатга олиш орқали ёшлар бандлиги даражасини ошириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, хонадонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имконияти катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда, 2 гектар майдонда томорқачилик бўйича ўқув-тажриба станциясини ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу ердаги ишсиз ва амалиёт жараёнига ҳеч қачон ишламайдиган, томорқаси бўла туриб ундан унумли фойдаланолмаётган ёшларни жалб қиламиз. Уларга тажрибали фермер ва тадбиркорлар мева-сабзавотларни етиштириш ва сотиш сирларидан сабоқ беради.

Туманда ўзини ўзи банд қилиш тизими бўйича 4102 нафар фуқаро рўйхатдан ўтиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда шу тизим орқали 2456 нафарининг расмий бандлиги таъминланди. Уларнинг аксарияти ёшлар.

"ЁШЛАР ДАФТАРИ"ГА РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда жорий этилган "темир дафтар"лар сингари, алоҳида "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш белгилан берилди.

Тойлоқ туманида ҳам шу масала бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузилиб, маҳаллалардаги ишсиз йигит-қизлар рўйхатга олинмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йил 5 октябрь ҳолатига тумандаги 38 маҳалла фуқаролар йиғинидан 616 нафар ишсиз ёшлар хатловдан ўтказилди.

Энди рўйхатга олинаётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Бу масалада ишсиз ёшларга туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳам яқиндан ёрдамлашади.

- Тумандаги корхона ва ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумот ҳар ойнинг 5-санасига қадар туман бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этилиши белгилан қўйилган, - дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Мансур Гадов. - Шу асосида тумандаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллалардаги эълонлар тахтаси ва ish.mehnat.uz сайти орқали фуқароларга етказиб турилади. Жорий йилнинг 5 сентябрь ҳолати бўйича мар-

казимизга 42 та корхона ва ташкилотда 88 та бўш иш ўрни мавжудлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган. **Тўлқин СИДДИҚОВ.**



Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилганими?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Кўл қовуштириб турганимиз йўқ

1. Жорий йилда ҳудудда бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Йўллар таъмирланяпти, мактабларда зарур қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ўнлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди.



Аммо пандемия сабаб айрим лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилмай қолди. Мисол учун, тасдиқланган давлат дастури асосида Самарқанд ветеринария медицинаси институти тўлиқ қайта таъмирланши керак эди. Афсуски, карантин тўғрисида бу ишларни амалга ошириш ортага сурилди.

Шу билан бирга "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ва партия депутатлик гуруҳи режасига мувофиқ бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" лойиҳалари доирасида аҳоли хонадонларига бориб, яшаш шартлоари ва ҳудуддаги мавжуд аҳолини ўргандик.

Ўрганишларда қатор муаммолар, мисол учун, Самарқанд шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактаби таъмирталаб аҳволга келиб қолганлиги аниқланди. Мутасадди ташкилотларга йўлланган депутатлик сўрови асосида мактабда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

2. Ҳудуддаги 25 та маҳалла кесимида қабуллар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш графиги ишлаб чиқилган.

Ўтказилган қабул ва учрашувларда 30 га яқин мурожаатлар бўлди. Мурожаатларнинг аксариятини коммунал соҳага оид муаммолар ташкил этади. Аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли идораларга депутатлик сўровлари юборилиб, масалалар бар-тараф этилмоқда.

Жойлардаги ўрганиш ва аҳоли билан учрашувлар давомида 21 та эҳтиёжманд оила рўйхати шакллантирилди. Улар "темир дафтар"га киритилиб, зарур ёрдам кўрсатилмоқда.

3. Жорий йилнинг 20 август кунини "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Самарқанд шаҳар Боғишамол маҳалласида яшовчи фуқаро О.Тагиева ижтимоий кўмакка муҳтожлиги, оиласи кам таъминланганлиги, оиласида ягона боқувчи эканлигини билдириб, ёрдам кўрсатишни сўради.

Сўхбат давомида унинг тикувчилик ҳунари борлиги, аммо тикув машинаси йўқлиги маълум бўлди. Ҳолат юзасидан Самарқанд шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига депутат сўрови юбордим. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ёрдами билан О.Тагиевага тикув машинаси берди.

Дилфуза РАВШАНОВА,
7-Истиқлол сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

ҚЎШРАБОТ. ҚИЙҚИМ. 462-КОНТУР

ер кимники, нега унда боғча қуриб бўлмади?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Давлат боғчасини қуриш катта маблағ ва турли масалаларга ечим топишни талаб қилади. Хусусий боғча қураман, деган тадбиркорлар ҳам йўқдир. Аммо одамларнинг уйда оилавий боғча ташкил қилиб, муаммога ечим топишининг иложи ҳам йўқми?

- Оилавий боғчалар бўлиши керак, - туман МТМ бўлими юристи, саволимизга савол билан жавоб қайтараркан маҳалла фаолларига юзланди. Улар эса индамай, елка қисиб қўяқолишди. - Ака, сизни тушунмадим, Ҳамроқул ака боғча керак демаяпти, ерни олиб беринглар, боғча қураман, деяпти.

МУРОЖААТДАН МУДДАО НИМА?

Тўғри, Ҳамроқул Ҳотамовга қишлоқда боғча бўлиши ёки бўлмағлиги муҳим эмас. У 462-контурнинг ўртасида хусусийлаштириб олинган ва унумли фойдаланилмаётган 1,25 гектар майдонни давлат захирасида деб, ҳисобла-япти. Унга эгаллик қилаётган фуқаронинг бу ерга ҳаққи йўқ, деган вақини билдирмоқда.

- Қишлоғингизда аукционга чиқарилган 3 та ер майдони бор экан марҳамат, шулардан бирини сотиб олинг, - дейди туман МТМ юристи Алишер Қаршиев. - Мактаб-гача таълим ташкилоти қураман, десангиз, биз сизга йўл-йўригини кўрсатамиз. Кредит олишда кўмаклашамиз.

- Нега мен қуришим керак, мана қишлоқ марказида

бўш ер турибди, боғчани давлат курсин, - дейди Ҳ.Ҳотамов. - Агар бу ердан боғча қурилса, қўшни қишлоқлардан ҳам болалар келиб-кетиши учун қулай. Барибир яқин атрофда боғча йўқ-ку.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари Ҳ.Ҳотамовга тегишли уйнинг жанубий томонида, аниқроғи, йўлнинг қарама-қаршисида жойлашган бу ер давлат захирасида эмаслигини билдирди. Улар бу ҳақда вилоят ҳокимлиги ва бошқа бир нечта ташкилотга жавоб хатлари ёзган, шу ерда видеоларга тайёрлаб, республика ташкилотига ҳам тақдим этган.

- Сизлар билан иш битмайди барибир, менга Тошкентдан текширувчи келиши керак, - дейди Ҳ.Ҳотамов. - Биринчи марта ёзганимда, бу ерда янтоқ ўсиб қаровсиз бўлиб ётганди. Бирдан мош экиб қолишди. Нега? Чунки ерни ноқонуний эгаллаб турибди.

Агар сезган бўлсангиз, масаланинг туб илдизи ўзаро келишмовчиликда. Иккала томонга ҳам болалар боғчаси керак эмас ...

462-КОНТУР ДАВЛАТ ЗАХИРАСИДАМИ, ЙЎҚМИ?

Бизнингча, бу масалани ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, прокуратура жиддий ўрганиб кўриши шарт.

Негаки, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Қўшработ филиали ходимлари барча мурожаатларга бу ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган, унумдор ва сўғориладиган жой, деган асоссиз жавобни тақдим этиб келмоқда.



Мазкур масала юзасидан туман ҳокими Ҳ.Оқбўтаев билан учрашганимизда, "Қўшработда сувли ер бормикан?", дея саволимизга савол билан жавоб қайтарди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мурожаатчи талаб қилаётган жойдан гарчи сувсиз жой бўлса-да, боғча қуриб бўлмади. Чунки айнаи кўрсатилган ердан фойдаланилмаётгани билан атрофда узум тоқлари гуркираб турибди. Демакки, ер унумдор, яъни кадастр ходимлари таъкидлаётганидек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдон.

Дарвоқе, Ҳ.Ҳотамовнинг айтишича, бўш турган майдоннинг тўрт томонидаги тоқзорлардан бири айнан унинг ўзига - Ҳ.Ҳотамовга тегишли.

Масалани ўрганиш давомида туман мутасаддиларига 462-контурдаги ер майдонларининг тўлиқ ҳужжатлари-

ни сўрадик: қайси кимга, қачон, нима асосда ва қандай мақсадда берилган?

Афсуски, "яҳши", деб жавоб берган мутасаддилардан дарак бўлмади. Туман ҳокими қабулида бўлганимизда ҳам айнаи муддаоини билдирдик. Топшириқ олган ходим эса фақатгина Ҳ.Ҳотамов бўш турган, дея илҳом қилаётган майдон Салоҳиддин Очиловга тегишли эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни тақдим қилди, холос.

Аммо қайд этиш лозимки, 462-контурдаги 1,25 гектар ер майдони С.Очиловга тегишли эканлиги ҳам шубҳали. Тўғри, ижара ҳуқуқи билан тегишли эканлиги тўғрисида 2004 йил 26 декабрдаги кадастр ҳужжати, унга асос бўлган туман ҳокимининг 1996 йил 3 июлдаги хусусий мулк қилиб сотиш ҳақидаги қарори, 2004 йил 24 декабрдаги "Оқтепа" ширкат хўжалиги билан тузилган шартнома бор.

Бироқ суриштирувимиз давомида "Оқтепа" ширкат хўжалиги раисининг ушбу ерни аукцион савдосига қўйиш тўғрисида, айнан ўша куни яъни, 2004 йил 14 декабрь куни С.Очиловга 1,25 гектар боғ сотилгани учун хусусийлаштириб бериш тўғрисида хат чиқарганига гувоҳ бўлдик.

Сотилган ёки сотилмаганига кўз юмган тақдирда ҳам бошқа бир ҳужжат янада ажаблантирди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2002 йилда қайд қилинаётган майдондаги олчазор ўрнида тоқзор ташкил қилиш шарт билан уни бузишга рухсат берган. Аммо бугун С.Очиловга тегишли ер тап-тақир майдон бўлиб турибди. Камига бу ерда уй-жойнинг пойдевори қурилган.

Ўйлаймики, ерларнинг ноқонуний ўзлаштириб олинишига қарши кескин кураш олиб бораётган прокуратура ходимлари бу масалага ҳам бефарқ қарамайди.

Ёқубжон МАРҚАЕВ,
«Зарафшон» муҳбири.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Олий ўқув юрти ўқитувчилари моддий

РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Жорий йил 26 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу низомда профессор-ўқитувчилар ва бошқа тоифадаги ходимларни моддий рағбатлантириш олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан асосий иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақлар белгилаш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

Профессор-ўқитувчиларга пул мукофотлари, устамалар ва қўшимча ҳақлар миқдори ҳар бир ходимнинг олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган нуфузини оширишга қўйилган ҳиссасига қараб белгиланади, дейилган.

Бу борада Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг таърихи омма-лаштиришга лойиҳа. Институтда кекса профессор-ўқитувчилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларнинг саломатлигини асраш мақсадида пандемия шароитида уйда қолиб ишлашга имконият яратиб берилди.

Бундан ташқари, етакчи профессорларга "Устоз-шоғирд" тамойили асосида фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини ёқлатгани учун ҳам соат берилади-ган бўлди. Бу ҳам ижобий кўрсаткичлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли хорижий журналларга чиқарган илмий мақолалари, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириши, хўжалик юритувчи субъектлар билан хўжалик шартномаларни тузиши асосида фаолият кўрсатаётгани ҳам дарс соати сифатида баҳоланмоқда.

Патент ва дастурий воситалар яратиш ҳам эътибордан четда қолмади. Ушбу ишлар

учун ҳар бир профессор-ўқитувчига маълум миқдорда соат белгиланади.

Шунингдек, уйда туриб тадқиқотчилар ва магистрларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб, уларнинг ҳам илмий ишлари ёқлатиш тегишли тарзда юкломани бажарган ҳисобланади. Бу ишларнинг ҳаммаси мавжуд имкониятдан оқилона фойдаланишга замин яратади.

Тажрибали ўқитувчиларнинг вақтидан самарали фойдаланиш учун айнан шундай йўлни тутиш керак эди.

Яна бир муҳим жиҳат, етакчи профессор-ўқитувчилардан институт қошидаги Тамбов давлат университети билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби фаолиятдан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Ушбу илмий мактаб ҳузурида "Педагогик маҳорат мактаби" ташкил қилинган. Вақти-вақти билан ёш педагогларга етакчи профессор-ўқитувчилар дарс ўтиб, илмий ишларни тайёрлаш бўйича суҳбатлар уюштирилмоқда.

Шунингдек, қарор билан кундузги таълим шакли бўйича бакалаврият таълим йўналишлар



ри ва магистратура мутахассисликларига қараб ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари оширилди.

Бу ҳам ҳар бир ўқитувчининг юкломаси ошишига олиб келади. Ҳозирги шароитда юкломанинг ҳаммаси аудиторияда амалга ошириладиган бўлса, ўқитувчиларнинг бошқа илмий-тадқиқот ва методик ишлари билан шуғулланишга вақти қолмайди.

Шунинг учун юкломалар таркибига аудитория соатлари билан бирга ҳозирги кекса профессор-ўқитувчиларга берилган соатларни жорий қилиш лозим.

Бунда моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасасининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбол / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

таълим докторантурага (PhD) 2021 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- 1. 09.00.03 – Фалсафа тарихи;
2. 10.00.04 – Европа, Америка, Австралия халқлари тили ва адабиёти;
3. 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик;
4. 10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси;
5. 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи.

Керакли ҳужжатлар:

Институт ректори номига ариза, қисқача биографик маълумотнома (объективка), меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги тасдиқланган нусхаси, олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси, илмий даража олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт нусхаси, 4 дона рангли фотосурат,

тиббий маълумотнома.

Ҳужжатлар http://phd.mininnovation.uz/Home/Index тизими орқали топширилади.

Докторантурага (DSc) 2021 йил учун куйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади:

- 1. 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик.

Керакли ҳужжатлар:

Институт ректори номига ариза, қисқача биографик маълумотнома (объективка), меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги тасдиқланган нусхаси, олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси, илмий даража олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт нусхаси, 4 дона рангли фотосурат, тиббий маълумотнома.

Ҳужжатлар http://phd.mininnovation.uz/Home/Index тизими орқали топширилади.

Мустақил изланувчиликка 2021 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

- 1. 09.00.03 – Фалсафа тарихи;
2. 10.00.04 – Европа, Америка, Австралия халқлари тили ва адабиёти;
3. 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик;
4. 10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси;
5. 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи;
6. 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича);
7. 13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва бошқичлари бўйича).

Керакли ҳужжатлар:

Институт ректори номига ариза, қисқача биографик маълумотнома (объективка), меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги тасдиқланган нусхаси, олий таълим муассасаси магистратура дипломи ёки олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси, илмий даража олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати, паспорт нусхаси, 4 дона рангли фотосурат, тиббий маълумотнома.

давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари, етакчи олимлардан бирининг илмий маслаҳатчилик қилиш учун розилик хати (агар мавжуд бўлса), паспорт нусхаси, 4 дона рангли фотосурат, тиббий маълумотнома.

Ҳужжатлар http://phd.mininnovation.uz/Home/Index тизими орқали топширилади.

Қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарори билан тасдиқланган низом талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2020 йил 15 октябрда илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Телефон: 66-238-29-42.

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Нуробод туманидаги «Нуробод деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг умумий йиғилиши 2020 йил 13 октябр кунини соат 14:00 да туман ҳокимлиги биносидан ўтказилди.

Манзил: Нуробод шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 1-уй. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 66-633-19-56.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «XURSHEDA MED FARM» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 204172657) ўз устав фондиди камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 55-уй. Телефон: 66-233-09-59.

Самарқанд шаҳридаги «DOMESTICHE AMBRA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307789999) ўз номини «FAYZLI UYIM» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «FAYZLI UYIM» масъулияти чекланган жамияти «DOMESTICHE AMBRA» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 110-А" уй.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2017 йил 21 июлда 533555 реестр рақами билан рўйхатга олинган «UYUTNIY DOM» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «UYUTNIY DOM» ХК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 7 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 110-А" уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304994478.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2012 йил 3

январда 05589 реестр рақами билан рўйхатга олинган "STARLIGHT PLUS" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "STARLIGHT PLUS" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 7 октябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Бобур Мирзо кўчаси, 4-уй. Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 302166345.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Ҳамроев Рўзиқулга (2019 йил 29 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳкўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Багиров Уткур Октамовичга (2020 йил 12 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қорақўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Курбанов Карим Алимовичга (2019 йил 9 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қорақўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Атабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Эргашев Хайрулла Нарзуллаевичга (2019 йил 24 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-

нинг Салимов Атабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Заидов Рафик Юсуфовичга (2014 йил 8 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранидовна нотариал идорасида марҳум Тарасов Александр Юрьевичга (2017 йил 8 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранидовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Ёрқулова Хожалга (2017 йил 18 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Гусева Раиса Алексеевнага (2019 йил 18 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Исмаилов Забига (1997 йил 14 августда вафот

этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Кўшрабод туманидаги 56-ўрта мактабдан 1989 йилда Эшнӣёзов Илҳомиддин Турсунтошевчи номига берилган № 894329 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшрабод туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Омонов Даврон Ўринбой ўғли номига берилган UM № 0146047 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Холбоева Севинч Ғуломбой қизи номига берилган TM № 0712266 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Омонов Даврон Ўринбой ўғли номига берилган UM № 0146047 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Холбоева Севинч Ғуломбой қизи номига берилган TM № 0712266 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Холбоева Севинч Ғуломбой қизи номига берилган TM № 0712266 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2001 йилда Сангиев Асроржон Холиқович номига берилган рўйхат рақами 18237, КНТ № 239181 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси кенгаши юридик бўлими ходими Санобар Жаъфаровага онаси

Ленора АКРАМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд шаҳар «Сиб» адвокатлар ҳайъати жамоаси ҳайъат адвокати Муталиб Раҳмоновга онаси

МУҲИБА аянинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Самарқанд давлат университетининг таълим ва тарбия факультети, математик физика ва функционал анализ кафедраси жамоаси кафедра мудири, академик Саидахмад Лақаевга ўғли

Шавкат ЛАҚАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд давлат университети таълим ва тарбия факультети, математик физика ва функционал анализ кафедраси жамоаси кафедра мудири, академик Саидахмад Лақаевга ўғли

Шавкат ЛАҚАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Яхшибаев Элдор

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

Шифокорлик шавқи ва завқи

профессор Сайфулла Абдуллаевни ҳамон сафимизга чорлайди

Сайфулла ака билан суҳбатлашсангиз, завқланасиз. Саксон ёшида ҳам ўзини тетик тутиши, давранинг феълга қараб гапириши, чиройли ривоят-у хулосалари, самимий муносабати сизни ўзига ром этади.

Шу сабабли агар устоз келиб қолса, бир хонага йиғилиб суҳбатига ошиқамиз. У киши шифокор меҳнатининг қадри ҳақида фаолиятидаги мисоллар билан гапириб беради. Ҳар биримизга касб қадри, шаъни тўғрисида доимо ўйлашимизни эслатади. Айниқса, Ҳаким Термизийнинг «Одам боласи ейдиган таомлардан бирортаси кишининг ўз кўли билан, яъни касбидан, меҳнатидан тоғанидан кўра Аллоҳга маҳбуброқ эмас» деган иборасини бот-бот такрорлайди.

Шифокор бўлиш учун иқтидор, интилиш ва билимнинг ўзи етарли эмас, - дейди домла. - Қалб ва ҳаётий тажриба ҳам зарур. Чунки бемор сизнинг нигоҳингиздан, муомалангиздан ҳам даво излайди. Касални нафақат даволашимиз, уни соғлом турмуш тарзига ҳам ўргатиш бурчимиздир. Устознинг хулосалари ҳаётий,

чунки умри бўйи ўзи уларга ория қилиб келади. Сайфулла етти ёшда Ғалларолнинг Қорақўйли қишлоғидаги мактабга биринчи синфга борди. У мактабда ёшлар етакчиси бўлиб ишлади, тайёрлов курсида ўқиди. Урушдан кейинги оғир йиллар ҳам ўспиринни тез улғайтирди, яхши фазилатларни ўзлаштиришига ёрдам берди. Самарқанд давлат тиббиёт институтида барча фанлардан яхши ўқиши баробарида ихчам тадқиқотлари билан устозлар назарига тушди.

Қизил диплом олгач ҳам С.Абдуллаев ўқишдан тўхтамади, институтида аспирант, ассистент бўлди, 1970 йилда чуқур куйиш касаллигини хирургик даволаш мавзусида номзодлик ишини ёқлади.

Устозларга эргашиб, улар ўғитига қулоқ осиб ҳаётда кўп наф беради, - дейди домла.

Мен профессор А.Ҳайдаровнинг этагидан маҳкам ушладим, айтган йўлидан юрдим, кам бўлмадим. Устозлардаги яхши фазилатларга тақлид қилдим.

Ҳақ гап. Докторлик ишини Н.Склифосовский номли илмий-тадқиқот институти профессори М.Абакумовдек таниқли шифокор олим раҳбарлигида ёзиш бахтга эришди. Домла ёрдамида кўплаб хорижий тажрибаларни ўрганди, истеъдодли жарроҳлар операцияларида қатнашди, ҳимояни ҳам Москвада амалга оширди.

Профессор С.Абдуллаев 1995-2004 йилгача врачлар малакасини ошириш факультети хирургия кафедрасини бошқарди. Ҳамкасблари, ёш шифокорлар ўртасида шарафли касб сирлари, профессор салоҳияти ва четдан ўрганиб келган тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунинг баробарида кўплаб



халқаро конференция ва семинарларда иштирок этди.

Домланинг эътиборлилиги, ғайрат ва шижоатига доимо ҳавас қилганмиз. Малака ошириш факультетида ҳар бир сабоғини амалий ўтарди. Вилоятимиздаги туманларга, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига бориб, ҳамкасбларига консултиватив ёрдамлар кўрсатди, маҳорат сабоқлари ўтди. Шу боис ушбу минтақалардаги врачлар домлани меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қилишади. Домла эса бундай муносабатдан куч-қувват олади.

С.Абдуллаев 45 йилдан бери Самарқанд давлат тиббиёт инс-

титутида ишлайди. Олимлик ва шифокорликнинг катта-кичик йўлларини машаққат, сабр ва меҳнат билан босиб ўтди. Шогирд ҳам бўлди, устозлик ҳам қилди, китоблар, рисоалар ёзди, шаҳар кенгашига депутат этиб сайланди.

Мен ҳаётда нимага эришган бўлсам, аввало, устозларим эътибори, шогирдларим ҳурмати, турмуш ўртоғим, тажрибали шифокор Машҳура-хоннинг қўллаб-қувватлаши, ўғил-қизларим камоли туфайли эришдим, - дейди устоз ғурур билан. - Бундай инсонларнинг давраси, суҳбати менга доимо яхши кайфият, ғайрат бахш этади. Эҳтимол, бахт деганлари шу бўлса керак.

Бу сўзларга изоҳ шарт эмас. Минглаб шогирдлари қаторида устозни 80 ёши билан қутлаб, бундай бахтли лаҳзалар умрида бардавом бўлишини истаб қоламиз.

ШУҲРАТ БОБОКАЛОНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.
Ўйғун РАҲМОНОВ,
Самарқанд шаҳар марказий шифохонаси бош вақили
Ўринбосари.

Ўнмиздаги одамлар

Ёшларнинг сеvimли устози, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Моҳира Мадиримова 1950 йилда Самарқанд шаҳрининг Кўкмачит маҳалласида туғилган.

Адолат фидойиси, оқила олима

Отаси Самат ака сермазун умр йўлини босиб ўтган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ғамхўр оила бошлиғи бўлиб, фарзандларини илм олишга рағбатлантирган. Меҳринисо ая суюкли фарзандлари, набиралари, эвараларининг меҳрибон ойиси, катта онаси тимсолида эзгу хотира қолдирганлар.



Моҳира Саматовна Самарқанд шаҳридаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабини 1968 йилда битириб, шу йили Самарқанд давлат университети тарих факультетида ўқишга кирди ва 1973 йил имтиёзли диплом билан тарихчи-жамиятшунос ихтисослиги бўйича тугатди. Шундан сўнг фалсафа кафедрасида стажёр-тадқиқотчи, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, фалсафа кафедраси мудири, факультетларaro ижтимоий-гуманитар кафедралар деканати декани, миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази бошлиғи, ижтимоий-сиёсий фанлар факультети декани лавозимларида самарали фаолият юритди. Айни пайтда устоз фарзандлари, набиралари ва эваралари курсовида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Моҳира Саматовна педагогик фаолиятдан ажралмаган ҳолда ижтимоий фалсафа йўналишида аспирантурани ўтаб, 1982 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)да номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олди. Илмий излаишлари миллатларaro тотувчи, маънавий юксалиши, маънавий мероснинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятидан иборат бўлиб мавзулари юзасидан кўплаб илмий мақолалар тайёрлаб, турли халқaro, республика ва минтақавий илмий конференциялар ва анжуманларда мазмунли маърузалар билан чиқишлар қилган.

Устоз университет, шаҳар ва вилоят жамоат ишларида фаол қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси "Олима" аёллар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлимининг, СамДУ тарих-фалсафа факультети илмий кенгашининг ва бошқа илмий фаолият билан боғлиқ кенгашлар аъзоси сифатида фаолият олиб борди. Аудиторияларда икки тилда олиб борган мароқли маърузалари ҳар қандай зукко талаба ва магистрни ҳам ҳайратга соларди. Ҳақиқий педагогик маҳоратга эга бўлган устоз кийиниш одобидан тортиб, муомала маданиятига ҳам бўлган жиҳатларга жиддий эътибор қаратарди.

Кўп йиллик самарали, ўз касб-у қорига сadoқатли фаолияти ҳуқуматимиз томонидан эътироф этилди - 2001 йилда Моҳира Мадиримовага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони берилди.

Устозни университет жамоаси номидан қўтлуғ ёши билан самимий муборакбод этамиз. Мустақкам соғлиқ, хуш кайфият ва омонлик тилаймиз, узoқ йиллар фарзандларингиз, набира ва эвараларга бош бўлиб, камолини кўриб юриш насиб этсин.

Дилфуза ЖўРАҚУЛОВА,
СамДУ тарих факультети декани,
Ибодат САТТОРОВА,
катта ўқитувчи.

1874 йил...
...9 октябрь куни Швейцария пойтахти Берн шаҳрида Бутунжаҳон почта иттифоқи ташкил топган ва ҳар йили ушбу санада Бутунжаҳон почта куни нишонланади. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон почта иттифоқи-га тўла ҳуқуқли аъзо давлат сифатида қабул қилиниб, бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатлари билан халқaro почта алмашинувларини амалга ошириб келади.

Жорий йилнинг 9 октябрь куни Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Шанхай хорижий тиллар университети ҳамкорлигида "Буюк Ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият" мавзусида онлайн халқaro илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Zoom дастури орқали бўлиб ўтadиган илмий-амалий анжуманда Осие малакатлари цивилизациясида Буюк Ипак йўлининг тугган ўрни, ушбу тарихий йўл бўйлаб жойлашган давлатларда умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги, унинг Осие халқлари тили, маданияти, тарихи, адабиёти, таълим-тарбияси ва фалсафий дунёқа-

Тил, таълим, маданият

рашида ақс этиши, ушбу соҳаларда фанларни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, замонавий ўқитиш ва илмий тадқиқот усуллари муҳокама қилинади.

Сўнги йилларда институтда халқaro ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилиши туфайли дунёнинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртиларидан юқори малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Масалан, яқин шарқ тиллари кафедрасида 5 нафар хорижлик мутахассис меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, институти қошидаги Коңфуций институти ўз фаолиятини ушбу кафедра билан ҳамкорликда олиб борапти. Коңфуций институтининг чет эллик ўқитувчилари ва маҳаллий хитой тили ўқитувчилари хитой тили ва маданиятини татбиқ қилиш мақсадида

ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Конференцияда Хитой, Миср, Япония, Индонезия, Германия, Тожикистон, Россия, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ҳамда республикамиздаги 30 дан ортиқ олий таълим муассасаларидан ва илмий марказлардан иштирокчилар қатнашиши кутилмоқда.

Конференция ишида Хитойдаги Шанхай хорижий тиллар университети ва Шанхай халқaro тадқиқотлар университети, Туркиянинг Муғла Ситки Кочман университети, Германиянинг Хердер университети, Қирғизистон Халқaro Кувайт университети профессорларининг иштироки режалаштирилган.

Конференцияга юборилган маърузаларда хорижий тилларни ўргатиш, ёш авлодни чет тиллар бўйича ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш билан бирга дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш, халқaro ҳамжамият билан алоқаларни мустақкамлаш имкониятлари, Ўзбекистонда чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинади.

Ушбу илмий-амалий ҳамкорлик юртимизда иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада юксалтиришга қодир бўлган, хорижий тиллар билан бирга, ўз кадр-қиммати ва ўзга халқлар маданиятини муқамал эгаллаган мутахассислар тайёрлашда тажриба майдони вазиасини ўтайди.

Севара БЕКНИЯЗОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти кафедра мудири.

Жомбой туманидаги 10-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти туман бўлини маси ҳамкорлигида "Маънавият сарчашмаси" китобхонлик танлови ўтказилди.

Кўнгил кўзи нурли китобхонлар



Мушоира тарзида ташкил этилган тадбирда ҳар бир иштирокчининг бадиий чиқиши ўзига хос бўлди. Самарқанд шаҳридан Меҳрангиз Ҳотамованин ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди ва у танловда биринчи ўринни қўлга киритди.

Адабиётга жуда қизиқман, - дейди М.Ҳотамова. - Аудиокитоблар тинглаш жону дилим. Кўпгина танловларда қатнашиб яхши

натижаларни қўлга киритганман. Ушбу танловда ғолиб бўлганим ҳам китобхонликка, ижодга бўлган меҳримни янада орттирди. Танловда пайриқиклик Файзулла Мардиев ва оқдарёлик Замира Қаршиева иккинчи, самарқандлик Нуриддин Турдимуродов учинчи ўринни эгаллади.

Тадбир якунида фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Орифжон ОДИЛОВ.

Карантин кунлари 48 та китоб ўқидим

«Зарафшон» газетаси (2020 йил 22 август, 92-сон)да чоп этилган «Беҳбудий бизни кечирармикан?» мақоласини ўқиб кўп фикрлар хаёлимдан ўтди. Мақолада инсон ҳаётининг, вақтининг қадри, қандай яшаётгани-ю ўзини таҳлил қилиш билан боғлиқ фактлар, мисоллар келтирилган. Ношукурлик, аламзадалик, ўз айбини бошқаларга тўнкаш орқали кимларнидир муаммо сабабчиси айлантириш иллатлари ҳақида сўз юритилади.

Мақолада шунингдек, пандемия туфайли анча вақтимиз уйда ўтгани, уни қандай сарф қилганимиз ҳақида ҳам фикр билдирилган. Шуларни ўқирканман, ўз вақтимни қандай ўтказганим ҳақида дарс берман. Ўқувчиларим билан мулоқот қилиш давомида уларга фалон асарни ўқийганим, унинг мазмуни ҳақида телеграм гуруҳимизда ёза бошладим. Бунга қараганки, биз қайси китобни ўқийлик, деб сўрайдиган "Уста ва Маргарита", "Ит юрак", Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат", "Асрга татиғулик кун", Толстойнинг «Анна Каренина», А.Қориевнинг «Спитамен»

асарлари, Иқбол Мирзо шеърлари, Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи ва бошқа шу каби 48 та китоб ўқидим. Институтда сўнги босқичда таҳсил олиш баробарида мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс берман. Ўқувчиларим билан мулоқот қилиш давомида уларга фалон асарни ўқийганим, унинг мазмуни ҳақида телеграм гуруҳимизда ёза бошладим. Бунга қараганки, биз қайси китобни ўқийлик, деб сўрайдиган "Уста ва Маргарита", "Ит юрак", Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат", "Асрга татиғулик кун", Толстойнинг «Анна Каренина», А.Қориевнинг «Спитамен»



8 ёшли жияним ёнимга келиб нима билан машғуллимни сўраб қолди. Мақола ёзаяпман, дегандим, «унда мен эртақ ёзай» деди. Ҳаракат қилиб кўр, деганимдан кейин астойдил бу машғулотга киришди. Сожети, гап тузилишлари анча ўхшаб қолди. Устозларига жўнатган экан, раҳбаридан олқиш эшитибди. Айтмоқчиманки, инсон истаса, ҳаракат қилса кўп нарсага эришиши мумкин. Аммо ҳар бир эришилган ютуқ замирида билм, ҳаётга муҳаббат, ўз ишидан мамнунлик бўлса у татийди. Кишини янаям юқори марраларга ундайди.

Муниса ШАМСИЕВА.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ЕСТНИК

МУАССИСЛАР:
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 828 нусxada чоп этилди. Бюрогма 580



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Х.ЭРНАЗАРОВА.
Саҳифаловчи: О.НАЗИРОВ.
Сотуведа нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 1667009